
Сектор раҳбарларининг ёшлар билан навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди

Ўзбекистон туманида сектор раҳбарларининг ёшлар билан навбатдаги учрашуви ўтказилди.

Ёшларни қийнаётган муаммоларни тезкор ҳал этиш, уларнинг таклиф ва ташаббусларини ўрганиб, амалий кўмак кўрсатилишини таъминлаш мақсадида ташкилланган навбатдаги очиқ мулоқот ҳам самарали ўтди.

Учрашув иштирокчиларининг масала, муаммо ва таклифлари асосида бажарилиши керак бўлган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Тадбир давомида “Ёшлар дафтари”даги 40 нафардан зиёд йигит-қизларнинг олий таълим муассасаларидаги таҳсили учун жами 170 миллион сўмлик шартнома пуллари тўловини тасдиқловчи сертификатлар ҳам топширилди.

2024-12-07 22:59:29